

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДИНИНГ ҚАРОРИ

2000 йил 5 июль

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикасининг «Адвокатура тўғрисида»ги Қонуни 6-моддаси биринчи қисмининг бешинчи хатбошисига шарҳ бериш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суд Раис Б.Эшонов, судьялар Б.Мирбобоев, Ғ.Абдумажидов ва Г.Пиржановлардан иборат таркибда, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 109-моддаси биринчи қисмининг 3-бандига амал қилган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил «Адвокатура тўғрисида»ги Қонуни 6-моддаси биринчи қисмининг бешинчи хатбошисига шарҳ бериш ҳақидаги масалани кўриб чиқди.

Масала адвокат Х.Нурмухамедовнинг Конституциявий судга Қонуннинг ушбу нормасига шарҳ беришни сўраб қилган мурожаати муносабати билан судьялар Б.Эшонов, Б.Мирбобоев ва Г.Пиржановларнинг «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги Қонуннинг 19-моддасига мувофиқ кўрсатган ташаббуси билан киритилди.

Маърузачи-судья Б.Мирбобоевнинг ахборотини, мутахассислар Ўзбекистон Адвокатлар ҳайъати раиси С.Якубов, Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг ўринбосари П.Саматов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти директорининг ўринбосари М.Гасанов, Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Қонунчилик ва суд ҳокимияти органлари билан алоқалар бўйича экспертлар гуруҳининг етакчи консультанти Ш.Бердиев, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг бўлим мудир К.Рашидов, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ҳ.Сулаймонова номидаги Республика илмий-тадқиқот криминалистика маркази директори С.Отахўжаевнинг фикрларини эшитиб, иш материалларини ўрганиб чиқиб, Конституциявий суд

а н и қ л а д и:

Адвокат Х.Нурмухамедовнинг мурожаатида қайд этилишича, «Адвокатура тўғрисида»ги Қонунининг 6-моддаси биринчи қисмининг бешинчи хатбошисига кўрсатилганидек, адвокат касб фаолиятини амалга ошириш чоғида «юридик ёрдам кўрсатиш учун зарур бўлган масалалар юзасидан экспертлар хулосаларини... миждонинг розилиги билан сўраш ва ёзма тарзда олиш» ҳуқуқига эгадир. Қонуннинг ушбу қондасига мувофиқ Х.Нурмухамедов Ҳ.Сулаймонова номидаги Республика илмий-тадқиқот криминалистика марказига экспертнинг ёзма хулосасини сўраб мурожаат

қилган. Аммо, Ҳ.Сулаймонова номидаги Республика илмий-тадқиқот криминалистика маркази адвокатнинг бундай ҳуқуқи процессуал кодексларда мустаҳкамланмаганлиги сабабли унинг илтимосини рад этган.

Шундай қилиб, Қонуннинг ушбу нормасига нисбатан бир-бирини инкор этувчи тушунчалар вужудга келган, бу эса ҳуқуқни қўллаш амалиётида хатоликларга сабаб бўлиши мумкин. Шунинг учун ушбу нормани бир хил ва тўғри қўллаш мақсадида унга расмий шарҳ бериш лозим.

Қонун нормаларини таҳлил қилиб ва уларни процессуал кодексларнинг алоҳида нормалари билан таққослаб ҳамда «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 25-моддасига амал қилган ҳолда, Конституциявий суд

қ а р о р қ и л д и:

1. «Адвокатура тўғрисида»ги Қонуннинг кўрсатилган нормаси адвокатга юридик ёрдам кўрсатиш учун зарур бўлган масалалар юзасидан экспертлар хулосаларини миқдорнинг розилиги билан айнан экспертиза муассасаси ёки экспертдан сўраш ва ёзма тарзда олиш ҳуқуқини беради.

Қонун чиқарувчи адвокатнинг ушбу ҳуқуқини белгилаб, экспертиза муассасаларига ва экспертларга адвокатга экспертларнинг ёзма хулосаларини бериш мажбуриятни юклаган.

Шундай қилиб, экспертиза муассасалари ёки экспертлар адвокатнинг сўровномасига биноан миқдорнинг розилиги бўлган тақдирда юридик ёрдам кўрсатиш учун зарур бўлган масалалар юзасидан ёзма хулосалар беришлари шарт.

2. «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 9- ва 27-моддаларига мувофиқ ушбу шарҳ мажбурий ва матбуотда эълон қилинган вақтдан бошлаб кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси
Конституциявий суди**